



Савол:

Намоз ўқийдиган гиламга суттан чиққан бола сийиб қўйса нима қилинади.

Жавоб:

Агар гилам катта бўлса уни турган жойида, нажосат теккан жойига сув қўйилади кейин сувни бирор нарса масалан, латта билан шимдириб олинади. Бу ишни уч тўрт бор қайтарилади нажосат кетганлигига кўнгил хотиржам бўлса тўхтатилади. Шу билан бу жой покланади. Гиламнинг нажосат тегмаган ерида намоз ўқиса бўлаверади. Нажосатнинг ҳукми гиламнинг ҳаммасига таъсир қилмайди. Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда бир бадавий-сахройи келиб масжиднинг бир чеккасига бавл қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга масжидда бундай ишларни қилиш мумкин эмаслигини тушунтирадилар. Саҳобалардан бирига бир пақир сув олиб келишга буюрадилар, у сувни олиб келиб бавл-сийдик устига бўлиб-бўлиб қуяди. (Муслим ривояти) Демак, қўйилган сув бавлдан кўп бўлса пок бўлади. Кичикроқ ҳажмдаги гиламни бошқа жойга олиб чиқиб бавл теккан жойини яхшилаб ювилса кифоя. Валлоҳу аълам.